

МУНАВВАРА ТИЛЛАБОЕВА

# ОППОҚ ТОНГЛАР



**УЎК: 821.512.133-343.4**

**КБК: 84(5Ў)6**

**Т-49**

**Тиллабоева Мунаввара**

Опшоқ тонглар: шеърлар / Мунаввара Тиллабоева. –  
Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 296 бет.

ISBN 978-9943-20-358-7

Мунаввара Тиллабоеванинг навбатдаги китобида она Ва-  
танга муҳаббат, севги ва садоқат, меҳр-оқибат сингари инсо-  
ний туйғулар улуғланади. Юракдан чиққан сўз юракка етиб  
боради, вужуд-вужудингизни титратиб, шеърят оламининг  
сирли, сеҳрли сарҳадлари сари етаклайди.

Азиз китобхон! Шоиранинг қўнгил тубидаги изҳорлари,  
дил тугёнлари билан ошуфталик Сизнинг қалбингизга ҳам  
ёруғлик олиб кирсин.

**УЎК: 821.512.133-343.4**

**КБК: 84(5Ў)6**

ISBN 978-9943-20-358-7

© Мунаввара Тиллабоева, «Опшоқ тонглар». «Янги аср  
авлоди», 2017 йил.

## ЎЗИМ ҲАҚИМДА

Иккинчи жаҳон урушининг тугашига бир неча ой қолганда, Андижон шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келдим. Бу вақтда мамлакатда очарчилик ҳукм сурарди. Уруш бўлган шаҳар ва қишлоқларда одамларнинг очлик ва совуқдан ўлиб қолганларини кинолар орқали кўрганмиз. Бундай даҳшатлар албатта, юртимиз халқини ҳам четлаб ўтмади. Эсимда бор: Тўрабува деган кишининг нонини яхши кўрардим. Хушбўй ва ширин бу нонларни новвойларимиз меҳр кўрларини бериб тайёрлаганлар.

Оиламиз унча катта бўлмай, энам, амаким, отам, онам ва укаларимдан иборат эди. Уйда баъзан нон ёпилиб турса-да, юқорида таъкидлаганим новвойларнинг нони дастурхонимизни безарди. Энам шу нонларни ҳаммамизга бўлиб берар эди. Мамлакатда гарчи очарчилик ва қийинчилик ҳукм сурса-да, аммо халқ қалбида саодатли ҳаётга ишонч барқ урарди.

Уйимизда кичкина радио-репродуктор бўлиб, тонг сахардан то тунга қадар хизмат қилиб, руҳимизга рух қўшар, кўнгил ойналарини нурафшон этар эди. Тонг сахарда республика мадҳи билан уйғонишни жуда-жуда яхши кўрардим. У бутун онг, шууримга келажакка умид руҳини, ҳаётга завқ-шавқ билан қараш руҳини солар эди. Ана шундай тонгги насимга қоришиқ ҳолда яшадик.

Қанчалар содда ва беғубор халқимиз бор. Ўша вақтларда омборхона деб аталувчи хонада ўрик, олма, шафтоли, жийда каби меваларнинг қуритилгани сандиқларда сақланарди.



Яшаб турган ҳовлимиздан уч-тўрт эшик нарида боғимиз бўлиб, бу ер жаннатнинг ўзгинаси эди. Боғда ҳар хил мевалардан ташқари турли ўт-ўланлар ўсар, булар қалбингизга яшиллик олиб кирар ва рухингизни кўтарарди. Бу боғдаги мевалар сотилмайди, пишган маҳали қўни-қўшниларга улашилар ва томларда қоқи қилинади.

1960 йилга келиб, ҳукуматнинг қандайдир қарорига биноан боғимиз икки кишига сотиб юборилди. Ҳали-ҳануз кўз ўнгимдан кетмайди. – у боғдаги меваларнинг ҳафсала билан экилгани... Баҳор чоғи гулга бурканган бу боғ яқингача тушларимга кириб чиқар эди.

Шукр, энди бозорларимиз турли мева-чевалар билан тўла, халқимиз тадбиркор бўлиб кетган. Бу меваларни қаҳратон қишда ҳам совуққа олдирмай сақлаган деҳқонларимизга балли деймиз. Чунки улар халқ ризқ-рўзини яратувчилардир.

Шу ўринда аммажоним Биби Хожар ҳақида икки калима сўз айтгим келди. Амманнинг катта боғи бўлиб, турли мевали дарахтлардан ташқари боғ тўла узум валиш (ишком)лари хануз кўз олдидан кетмайди. Аммажоним бирор марта узум сотганини кўрмаганман. Ўзлари бой-бадавлат турмасалар-да, назарлари тўқ эди.

Зеро, бу узумлар маҳалла-қўй, шаҳарлик қариндош-уруғларга аталган эди. Булар менинг бағрикенг меҳрибонларимдир.

Ҳазрат бобомиз Захириддин Муҳаммад Бобир ўзининг «Бобирнома» асарида: «Полиз бошида қовун сотмоқ расм эрмас», – деб бекорга таъкидламаган. Бизнинг ана шундай меҳрибон, фидойи халқимиз бор.

Мен туғилган жойни «Чолгузар» ва «Чаҳоргузар» деб атайдилар. Иккала ҳолатда ҳам бу мазмун тўғрига ўхшайди. Чолгузар бир ёғи Пиён бозор (Яланғоч қўрғон), Тупроқхона, Шолдирама, Шариф-



бой гузар ва Такабойга туташган. Менинг назаримда бу маскандан гўзалроқ жой йўқдай.

1937–1939 йиллар арафасида қурилган 32-ўрта мактаб бу ерга салобат бахш этади. Икки қаватдан иборат мактаб менга билим берди, дунёни танитди. Ота-онам кўрмаган рўшноликни кўрсатди. Албатта, бунинг учун шукроналар айтаман.

Юқори синфларга ўтганда фанларга қизиқишим сусайгандай бўлди. Бунга онамнинг тез-тез оғриб туриши, оиладаги баъзи бир нозикликлар сабабмиди, билмадим?

Отам Акбарали 1948 йилгача маҳалла эликбоши-си лавозимида ишлаган. Отамнинг отасини Тиллабой ўзбек дер эканлар. Жуда ҳам ювош бўлса керак-да. Бобомни кўрмаганман. 1947 йилдаги Андижонда бўлиб ўтган машъум зилзила шаҳар ва қишлоқларимизга турли офатлар келтиради. Худди мана шу зилзила содир бўлган вақтда отам пахта тергани шаҳарлик хашарчиларни қайсидир қишлоққа олиб боради ва дала шийпонида ухлаб ётганда (бир неча кун ухламаган экан. Бу Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллар эди) бўлиб ўтган воқеа таъсиридан отамнинг кўз томирлари узилиб кетган экан.

Қаранг, мухтарам ўқувчи! 1902 йилда Андижонда худди шундай ер кимираш содир бўлган экан. Ўшанда йигирма кунлик чақалоқ бўлган отамни бешикнинг (бешик ўртасидаги узун ёғоч) қасабаси сақлаб қолган экан. Бу балки онам ва бизнинг бахтимизмиди, ҳартугул билолмадим.

Амаким (дада деб атардик) мулла Умарали яхшигина лавозимда (рапода раис, Қўмакай ва Олтинқўлда сельсовет раиси) ишларди. Бу орада дадамни ноҳақ қамайдилар ва олти ойдан кейин ҳақиқат қарор топиб, қамоқдан озод бўлади. Дадам зиёли бўлиб, Қуръони каримни қироат билан ўқирди. Аммо орадан бир қанча вақт ўтгач, амакимнинг икки ўғли



ва хотини вафот этади. Бундай озорларни, аламларни кўтара олмаган дадам асаб касалига учрайди. Ана энди мухтарам ўқувчим, онамнинг тез-тез касал (бетоб) бўлишларининг сабаби қаерда экан? Онам ҳар иккала ака-укага меҳр бериб қарашидан ташқари тўқсон ёшлардан ошиб қолган қайнонанинг ҳам уддасидан чиқиши керак эди. Менинг меҳрибоним, ғамгузорим онажоним қавиган тўнлари ипларига орзу ва армонларини, аламларини қўшиб юбордимикан?

Бу вақтда отамга ўн сўмдан, энамга кенжа ўғли Турғунбойнинг урушда ҳалок бўлганлиги учун (Турғунбой амаким Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган) ўн сўмдан нафақа берилиб, бу албатта, рўзғорга бир нави етиб турар эди.

Отам гарчи ногирон бўлиб қолган бўлса-да, укам ва маҳалла болаларининг ёрдамида бозор ва магазинга бориб, баққоллик моллари олиб келиб сотар эди. Бу кичкина дўкончадан келадиган фойда у қадар кўп бўлмаса-да, лекин отамнинг ҳаёт отлиқ гулшанга меҳри совиб қолмаслиги учун далда бўлар эди. Менинг меҳрибон отажоним киш фасли ўрнини баҳорга алмашиши билан кўмир олиб келиб ғамлаб қўяр эди. Чўкки соқоли ўзига ярашган истараси иссиқ чиройлигим – отажоним хуш сурати ҳамон кўз ўнгимдадир. Отам келтирган кўмирнинг ичидаги тиллаларни (ялтироқ нарса) топишни яхши кўрар эдик.

Онам тўрт нафар фарзанд кўрди. Синглим Мавжудахон чақалоқлигида вафот этган. Онажоним биздан кўрадиган орзу-умидлари учун тинмай меҳнат қилди. Меҳрибоним, мунисам онам. Сиз юрган йўллардан чечаклар унгусидир. Сизнинг самимий, беғубор қалбингиз олдида таъзим қиламан.

Онамнинг онаси – Энахон бувим тўрт аканинг ичида ёлғиз қиз бўлган. Энахон бувимни «Дастурхончи» қишлоғидан Андижон шаҳрига (Эски шаҳар, Чинортаги маҳалласи ёки Коса бозори) келин қи-



либ туширганлар. Энахон бувимнинг отаси Отахонбой бобом катта бой бўлган. Отахонбой бобом қизи Энахон бувимни ўша даврнинг удумига кўра бешта отни ясашиб узатган. Бу 1920 йиллар эди. Бу онамнинг ҳикоялари. Энахон бувимни, Муҳаммад Ниёз бобомни кўрмаганман. Дунёни жуда эрта тарк этган Муҳаммад Ниёз бобомдан кейин Энахон бувим ота-онаси ва акаларининг олдига кўчиб кетган. Энахон бувимнинг онаси, яъни чўнг энамнинг исмини билмайман. Бунинг учун афсусдаман. Шу йиллар орасида мамлакатда вабо касали тарқалади. Ушбу касалликдан бувимнинг тўрттала акаси вафот этади. Ота-она ва акаларининг доғини кўтара олмаган бувим нафас қисиш касалига учрайди.

Онам ҳикоя қилади: «Ўн икки-ўн уч ёшларда эдим. Қаҳратон қиш ҳукм сурарди. Уйимизда ҳали бундай чироқлар йўқ эди, – дейди электр чироғини кўрсатиб. – Бир куни кечаси онамнинг аҳволи ёмонлашди ва: «Муҳаррамхон, бор момонгни чақир», – деди. Сарпойчан, қор кечиб момонни чақириб келсам, онам сандалга бошини қўйиб жимгина ухлар эди. Ҳа, айтганча, ундан бир неча кун олдин: «Менга бирор нима бўлса, бу ерда қолмагин. Амакингнинг ўғли Ҳафизхон ва Ширмонхон момонг билан бирга кетгин», – деган эди. «Нега бундай деяпсиз, онажон? Мени кўрқитманг», – дедим. «Яна бир нарсани айтай. – Онам узоқ ўйга толди. Хаёли ўша болалик ва ёшлик чоғларига етаклади шекилли. Чуқур бир ух тортди. – Фарғона канали қурилаётган пайтда ўн уч-ўн тўрт ёшда эдим. Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоеванинг (санъат усталари) овозаси дунёга кетган эди-да. Уларни ҳавас қилмаган одам бўлмаса керак. Уларнинг санъатини жоним билан севар эдим. Аммо...» – Онам чуқур бир хўрсиниб олди. Ҳа, онажонимнинг юрагида, қалбида жўш урган санъат-



га бўлган истеъдод йиллар тўфони ичра беркилган эди. Эҳ, Энахон бувим болажонини ўйлаб, ёлғиз жон бергани, бу дунёдан кўз югани мухтарам ўқувчиларимизнинг ёдида бўлса керак. Умрининг охири онларида ҳам боласини ўйлаган она!

Бу меҳр, бу туйғу бизга авлодларимиздан мерос бўлиб келмоқда. Минг шукр. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолгувсидир.

Совуқ тун кечаси онасидан айрилган онажоним, онасининг маросимлари ўтгач, жиянининг ҳолидан хабар олиб келган момоси ва онаси билан Андижон шаҳрига қайтиб келади. Ана энди онажонимнинг етимлик кунлари бошланади. Онамининг бошида қандай аянчли кунлар бўлган-а... Менинг ёлғизгина, муштипаргина онажоним! Дилингишга қандай сўзлар билан таскин берсам экан. Момонгиз ва акангиз ота ва оналик қилган бўлса-да, сизни камситмаган бўлса-да, ота ва онанинг ўрнини ҳеч ким босолмайди, деб ўйлайман. Камолга етган вақтларингизда ота-онангизни соғингандирсиз. Қалбингиздан кечган орзуларни уларга ботиниб айтолмагандирсиз. Севги шивири қалбингиз ойнасини чертганда, бу ҳолни кимгадир сўзлашга ботина олмагандирсиз. Менинг чиройлигим, ҳаммадан гўзалим онам!

Бу орада укам Абдуҳалимжон улғайиб, онамининг ёнига кириб қолди. У мактабни битирар-битирмас, маҳалламиздаги новвойга шогирд тушди. Ва орадан бирмунча вақт ўтгач, «Пиён бозор»даги (Яланғоч кўрғон ҳам дейишади. Халқ орасида бу ерда самарска болалар (ўғри болалар) кўп бўлгани учун Яланғоч кўрғон деб ҳам аталар эди. Бир вақтлар Россиянинг Самара вилоятидан келганларга нисбатан айтилган шекилли) «Коммунар» (ҳозирги «Тожметалл») заводига слесарга шогирд бўлиб ишга кирди.

Шундай қилиб, 1963 йили 32-ўрта мактабнинг 9-синфини тамомладим. 32-мактабда ўқиш билан





бирга «Коммунист» (ҳозирги «Андижоннома») газетаси қошида очилган «Ишчи-қишлоқ мухбирлари» университетига ўқишга кирдим. Бу ерда журналистика сир-асрорларини ўргандим.

«Ватан» деб номланувчи шеърим ва «Мактабимиздаги ёшлар» номли мақоламни маҳалламизда яшовчи Абдурасул Олтмишев домла (У киши «Коммунист» газетасида ишлар эди) чиқарган эди.

Андижон давлат (ҳозирги АДУ) педагогика институтининг тарих-филология куллиётига ўқишга кирдим. Ҳали мактаб партасида ўтирган кезларимдаёқ мақола ва шеърларим ҳозирги «Андижоннома» газетасида босила бошлаган эди. Демак, мен анча шахдам қадамлар билан адабиёт оламига қадам қўяётган кезларимда Олий мактаб талабаси бўлдим. Ва талабалар орасида хийла маълум ва машҳур бўла бошладим. Бу вақтда Эркин Воҳидов, Тўра Сулаймон, Гулчеҳра Нуруллаева, Эътибор Охунова, Хайриддин Салоҳ шеърларини севиб ўқирдим.

Домлаларим: Офтобхон Холботирова, Салима Мусина, Қобилжон Қобулов, Фатҳиддин Исҳоқов, Азимжон Турғунов, Хайрулло Умрзоқов, Шарифжон Соҳибоев ва ректоримиз Фани Холматович Абдуллаевнинг берган ўғитлари йўлимда маёқ бўлди.

Ижод пиллапояларига қадам босар эканман, тарихчи-муаллимим, шоир ва драматург, синф раҳбарим Низом Умарийнинг қилган меҳнатлари зое кетмади.

Зулфияхоним шеърларини севиб ўқиганим, уни ёд олганим олтинларга бергувсиз лаҳзалар эди. Шоира шеърларидаги руҳият бутун вужудумни қамраб олади. Устоз йўлидан бориб машқлар қилганим ёдимда. Устоз шеърятисиз яшолмай қолдим. Айниқса, кейинги йилларда устоз номи буткул хаёлимни чулғаб олди. Сўзим чин. Заррача муболаға йўқ.

Устозга бағишлаб мақолалар, шеърлар битдим. Булар ҳам кўнглимни қониктирмади. Устоз ва Ҳа-



мид Олимжонга бағишлаб «Икки қалб саодати» достонимни ёздим. Ва бу достон асосида «Икки қалб саодати» деб номланувчи китобимни яратдим.

Ҳа, дарвоқе, юқорида таъкидлаганимдек, устозим, муаллимим, шоир ва драматург Низом Умарий ҳақида «Ўлмаслик қўшиғи» номли достон ёздим. Қўнглим андак таскин топгандек бўлди. Менинг ёзганларим ҳам кимгадир ёқиб, кимнингдир қалб мулки бўлиб қолармикан? — дея ўйлар эдим. Ҳақиқатан ҳам ҳар куни, ҳар туни ёзмадим. Балки кунлар, ҳафталар, ойлар ичида тўпланган туйғулар юрагимда ғалаён қилиб, мени бир ҳолга келтиргандагина тўкилди бу шеър ва ғазаллар. Энди талабалар ўртасида шоира Мунаввара бўлиб танилдим. Минг шукр!

Офтобхон аям: «Шоира қизим ҳар куни ёзинг, қаламингиз чархланади», — дер эди. Ёшлиқ қилибми, билмадим, ҳар куни ёзолмадим. Аммо шеърнинг юки бутун вужудингни эзиб туради. Халқ олдида, ватан олдида, шеърят олдидаги масъулият, ўй-хаёл жумла жаҳонингни зирқиратиб туради.

Институтни тамомлагандан сўнг, аспирантурага кириш учун имтиҳон топширдим. Аммо аспирантурада ўқиш ва илмий иш қилиш насиб қилмади.

Шуни айтиш керакки, тинчлик деган улугъ неъмат юртимиз осмонида кезмоқда. Энг аввало, тинчлигимизнинг барқарорлигига шукр қилишимиз керак. Халқимиз эртага нима бўлар экан деган ташвишдан йироқдир. Гўдақларимиз ва оналаримизнинг тонги мусаффо бўлиб отмоқда. Оналаримизнинг алласи жаҳон бўйлаб таралмоқда. Бунга не етсин!

Кейинги йилларда шаҳар ва қишлоқларимиз обод бўлиб, кўркамлашиб бормоқда, мустақиллик шарофати билан, кўркамлашиб бормоқда, мустақиллик байроғи остида халқимиз келажак сари олға интилмоқда.

Истиқлол ватани ҳар кунгидан ҳам обод ва кўркам бўлиб бораверсин!





Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/uz/asar/4179> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/4179> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/4179>